

“Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факультетида «ARTEL - компанияси ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, технологиялари, мутахассисларига талаблар» мавзусида муаммоли маъруза ўтказилди.

2018 йил 20 декабр куни ТИҚХММИ 8-маърузалар залида, «Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш», «Электр энергетикаси» ва ТЖИЧАБ таълим йўналишлари 3 ва 4 босқич талабалари иштирокида «ARTEL компанияси ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, технологиялари, мутахассисларига талаблар» мавзусида маъруза ўтказилди. Artel компанияси Ўрта Осиёдаги энг катта ва ягона маиший техника ишлаб чиқариш тизимидир. Компания Ўзбекистонда ташкил топган бўлиб, йирик маиший техника ва электрон воситалар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Компания ўз фаолиятини 2011 йилда бошлаб, сифатли, ишончли ва қулай маҳсулотлари билан Ўзбекистонда танилиб улгурди. Бугунги кунда компания маиший техникаларнинг 10 дан ортиқ турини ишлаб чиқармоқда: конденционер, чангютгич, микротўлқинли печ, газ плиталари, электр плиталари ва газу электр билан ишлайдиган қўшма плиталар, ошхона техникалари, кичик электр печлари, телевизорлар, музлаткичлар, телефон ва электр сув иситгичлар. Artel компаниясининг заводларига дунёнинг етакчи корхоналари ускуналари ўрнатилган. Бундан ташқари, компанияда маҳсулотлар сифатини мунтазам равишда текшириб туриш учун лабораториялар ҳам ишлайди. Заводда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларни сақлаш учун Artel компанияси ўзининг 50000 квадрат метрга тенг махсус майдонига эга. Бу майдонинг асосий вазифаси маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва компаниянинг 5 база Artel фирмавий магазинларга бутун Ўзбекистон бўйлаб етказиб беришдир.

Бугунги кунда Artelнинг маиший техникалари Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон, Россия (Махачкала), Украина, Озарбайжон ва Грузия давлатларига чиқарилмоқда. Ҳозирда Artel компаниясининг маҳсулотларини Европага, Россиянинг баъзи шаҳарлари ва Покистонга чиқариш масаласида музокаралар олиб борилмоқда. Компаниянинг довуғи тез суръатда бундан ҳам кенгроқ доирада тарқалмоқда. Аввало таъкидлаб ўтиш лозимки, биз ҳар доим ҳамкорлар танлашга жуда катта эътибор берамиз. Чунки ишончли ҳамкорлар бу бизнинг муайян имиджимиз шаклланиши ва узоқ муддатли ҳамда устувор алоқалар кафолатидир. Биз ўз соҳасида катта муваффақият қозонганлар билан ҳамкорлик қиламиз. Биз ҳамкорлик қилаётган компаниялар маиший техника бозорида камида 20 йиллик тажрибага эга, ўз навбатида устувор ва профессионал даражададир.

Бизнинг бундай сифатли ва айна пайтда нисбатан арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришишимизга ишлаб чиқаришдаги чиқимларни ихчамлаштириш сабаб бўлди. Ширкат фаолияти давомида тўплаган иш тажрибаси маҳсулотларнинг баъзи қисмларини маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш имкониятини яратди ва бу ўз ўрнида тайёр маиший техникаларимиз нархи пасайишига хизмат қилди. Бизнинг хорижий ҳамкорларимизда маҳсулотларимизга кафолат бериш учун барча имкониятлар мавжуд. Мазкур тадбирда «Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти» факультети профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.



“Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факультети Маънавият-маърифат ишлари бўйича декан муовини Ш.О.Бердиев ахбороти

Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов